

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

1905–1911 ЙИЛЛАРДАГИ ЭРОН ИНҚИЛОБИ ВА ГЕРМАНИЯ–РОССИЯ ЗИДДИЯТЛАРИ ХУСУСИДА (“ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ” МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

Зарипов Содиқ Жўраевич,
Бухоро давлат университети
“Жаҳон тарихи” кафедраси ўқитувчиси

For citation: Sodiq J. Zaripov. In the Iranian revolution of 1905-1911 and the German-Russian conflict (based on materials "Compilation of Turkistan"). Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 11, pp. 113-119.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-11-12>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада “Туркистон тўплами” материаллари саҳифаларида ўрин олган ва 1905-1911 йилларда Эронда содир бўлган инқилобий жараёнлар, конституцион ва демократик жараёнлар учун курашлар, Россия ва Англия давлатларига қарши ҳаракатлар, Эронда Германия капиталининг кириб келиши, немислар томонидан Эронда мактаблар очилиши, фаолияти, иқтисодий жиҳатдан кириб келиш баробарида немис компанияларига берилган имтиёзлар, Эронда Германия таъсири ошиб бориши ва Россияга нисбатан салбий кайфият кучайиб бориши жараёнлари ташвишли тарзда баён қилинганлиги билан боғлиқ жараёнлар таҳлил қилинган. Аммо, Германия томонидан Эрон инқилоби етарли даражада қўллаб-қувватланмаганлиги, Эронда немислар таъсирини қўйи қатламларда обрўсизлантириши алоҳида келтириб ўтилади. Эрон инқилоби билан боғлиқ воқеъликлар Шоҳнинг инқилобни бостириш борасидаги уринишлари ҳам факт ва далиллар орқали очиб берилган.

Калит сўзлар: инқилоб, капитал, шоҳ ҳокимияти, сиёсий манфаат, парламент, реакция, конституция, “Шарқий банк”.

О ИРАНСКОЙ РЕВОЛЮЦИИ 1905–1911 ГОДОВ И ГЕРМАНО-РОССИЙСКОМ КОНФЛИКТЕ (НА ОСНОВЕ МАТЕРИАЛОВ «ТУРКЕСТАНСКИЙ СБОРНИК»)

Зарипов Содиқ Жўраевич,
Бухарский Государственный Университет
кафедра «Всемирная история», преподаватель

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализированы события Иранской революции в 1905-1911 годах и борьба за демократии, проникание Германского капитала, открытие в Иране немецких школ, деятельность, привилегия немецким компаниям, влияние Германии на Иран и усиление негативных влияний против России. Но недостаточная поддержка Иранской революции со стороны Германии, особо подчеркиваются дискредитация немецкого влияния на нижних слоев населения Ирана. События связанных революций в Иране раскрыто по фактам события связанных революций и стремление Иранского шаха подавлению революции.

Ключевые слова: революция, капитал, власть шаха, политическая заинтересованность, парламент, реакция, конституция, «Восточной банк».

IN THE IRANIAN REVOLUTION OF 1905-1911 AND THE GERMAN-RUSSIAN CONFLICT (BASED ON MATERIALS "COMPILATION OF TURKISTAN")

Sodiq J. Zaripov,
Lecturer of the Department of “World History”

ANNOTATION

In the article the materials related with the revolutionary event in Iran in 1905-1911, struggles for the constitutional and democratic processes, the actions against the Russia and England, the privileges given to the German companies in accordance with the penetration of German capital into Iran, opening, activity of German schools in Iran and their economic maintenance, alarming tone in the processes of increase in German influence

on Iran and the negative attitude towards Russia are analysed on the basis of the materials of “Turkestan collection”. But, the fact that the Iranian revolution was not supported in enough levels was decreasing the popularity of the German influence in lower strata is specially mentioned. The realities related with the Iranian revolution are revealed with the facts and details of attempts of Shah to suppress the revolution.

Key words. Revolution, capital, authority of shah, political interest , parliament react ion, constitution “Sharqi bank”.

XX аср бошларида Шарқ мамлакатларида миллий уйғониш ва ўзлик-ни англаш жарёнлари содир бўлиб, бу ижтимоий—сиёсий воқеликларда ўз аксини топди. Шарқнинг йирик мамлакатларидан бири бўлган Эронда 1905—1911 йилларда инқилобий ҳаракатлар содир бўлиб, илғор фикрли зиёлилар ва тараққийпарвар кучлар мамлакатда конституцион тартибларни ўрнатиш, замонавий илф — фан ва техника ютуқларини жамият ҳаётига тадбиқ этишни талаб қилиб чиқа бошладилар. Инқилобий чиқишларнинг аксарияти Эронни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ярим қарам қилиб олишга уринаётган Россия ва Англия давлатларига ҳам қарши қаратилган эдики, бу ҳол Европанинг энг тараққий этган давлатлари ўртасидаги зиддиятларни кучайтириб юборди. Мамлакатдаги тартиблардан ва қарамликдан Эрондаги нафақат қуйи табақа балки, шоҳ хонадони вакиллари ҳам норозиликларини яшириб ўтирмайдилар. Айрим кажарлар сулоласи вакиллари ҳатто, Эрон парламентиға аъзо бўлганликларини сиёсий фаолиятидаги энг олий чўққи дея баҳолаганлигини кўришимиз мумкин[2,Б.154-155].

Ушбу мақолада Эрон инқилоби ва бунинг натижасида буюк давлатларнинг Эроннинг ички бозорига кириб келиши, унинг моддий бойликларини талаш хусусидаги рақобатларининг фақат бир жиҳати, яъни Россия ва Германия зиддиятларини ёритиш мақсад қилиб олинди. Россия ва Англия ўртасидаги келишувға кўра Россия Эроннинг шимолий, Англия эса жанубий қисмларини таъсир доираларига бўлиб олган эдилар. 1905—1911 йиллардаги Эрон инқилоби даврида Россия ва Англиянинг Эрондаги таъсири бир қадар пасайиб, мамлакатда Германия нуфузининг ошиши билан боғлиқ мақола ва хабарлар 1867—1917 йилларда тузиб борилган “Туркестанский сборник” (“Туркистон тўплами”) да ҳам катта салмоққа эга.

“Туркистон тўплами” даги бу мақола ва хабарларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳали 1907 йилдаёқ Эронда Германия таъсирининг ошиши Россия империяси дипломатик амалдорларини ташвишга солган. Шу йили чоп этилган “Реч” матбуот органининг 485—сонида Б. Имзо-

си билан “Отношение держав к Персии” мақоласида; “Журналист Петербургда дипломатик вакиллардан бири билан суҳбатлашгани, вакилнинг сўзларига кўра эса, Германия Эрондаги ҳар бир ҳаракатни кузатиб минтақада ўз таъсирини ўтказишга уринаётгани, бу борада Туркия Германиянинг ишончли иттифоқчиси эканлиги, Аммо, аҳвол шу тарзда кетишда давом этса, Англия ва Россия давлатлари жим қараб турмасликлари”—билан боғлиқ фикр—мулоҳазаларни келтириб ўтади.

Эрондаги зиёли қатлам ва тараққийпарвар кучлар орасидагина эмас, Эрон ҳукумат доираларида ҳам Германиянинг мавқеи ошиб борганлигини “Туркистон тўплами” материаллари тасдиқлайди. Мақолаларнинг бирида; “Теҳронда немислар 200 бола ўқийдиган мактаб очгани, ҳашаматли бинони қуриш ва унинг моддий таъминоти учун Германия императорининг шахсан ўзи 15 минг марка ажратгани, Германия корчалонлари ҳам бу мактаб учун ўз маблағларини аямаганлиги, бу ерда болалар савдо ва иқтисодий билимларни кўпроқ ўрганишлари, болаларни ҳатто, Марказий Европага саёҳат қилдираётганлари, немислар Эрон шоҳидан Шероз шаҳрида ҳам шундай бир мактаб очишларига рухсат олганликлари, немислар шу йўл билан эронликларнинг кўнглини топаётганлиги, Эронда эса, Россияга нисбатан душманона кайфият кучайиб бораётганлиги[5,Б.69]”—билан боғлиқ маълумот хавотирли тарзда келтириб ўтилади.

Ҳақиқатдан ҳам, немисларнинг Эронга кириб келиши жуда эҳтиёткорона бўлиб, Германия ишбилармон доираларининг Эронга қизиқиб қолиши Берлин—Боғдод темир йўлининг қурилиши борасида Туркиянинг Германияга концессия бериши билан боғлиқ эди. Шу сабабли, немислар ҳали Россия ва Англия ҳукмрон доираларини имкон қадар чўчитмасдан Эрондаги ҳукмрон табақани ўз манфаатлари йўлига буришга ҳаракат қилганлар. Бу борадаги асосий фаолият тури эса мактаб, таълим тарбия бўлиб, немислар ҳатто, Эрон таълим вазирлиги мажлисларида ҳам иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритганликлари билан боғлиқ маълумотлар “Туркистон тўплами” келтириб ўтилади. Тўпламнинг 493—томида, Амираджиби (Эҳтимол, Амир Ҳожибий бўлса керак — С.3.) имзоси билан босилган “Немцы в Персии” мақоласида; Эронда шу пайтгача французлар, инглизлар, яҳудийлар, арманлар, русларнинг мактаблари бўлгани ҳолда бу мактаблар ё ўз миллатдошларига ёки диндошлари, мазҳабдошларининг болаларига таълим бергани, немислар эса, биринчи бўлиб, эронликларнинг болаларини ўқита бошлаганлари, Теҳрондаги немис мактаби ҳозирда йилига 30 минг рубль миқдорда субсидия олаётгани ва ушбу мактаб бошлиғи Эроннинг таълим вазирлиги (Вазират улм — С.3.) йиғилишларида қатнашиш ҳуқуқини кўлга кирит-

гани, бу эса, Германия манфаатларига мос келадиган қарорлар ва қонунлар чиқарилишига эришиш имконини бериши, немислар бу билан ҳам чекланмай, мактаблари тармоғини бутун Эрон бўйлаб тарқатаётгани, катталар учун кечки мактаблар очаётганликлари, шу сабаб Эрон аҳолисида немисларга нисбатан илиқ муносабати шаклланаётгани, немислар бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ концессия ва савдо шартномаларисиз, Эронга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан кириб келаётганликлари[1, Б.113-114]—хусусидаги маълумотларни ўқиш мумкин.

Немисларнинг Эронда таъсир доираларининг ўсиб бориши Россия матбуот органларининг ҳам катта хавотирига сабаб бўлиб боради. “Туркистон тўплами” нинг 451—сонида Б. Павлов имзоси билан “Персидский кризис в освешение Германского дипломата.—Россия и Германия в Пресии.—Беседа с русским высокопоставленным деятелем” мақоласида сиёсий арбобнинг бу масаладаги фикр мулоҳазалари келтирилиб; “Ҳозирда (1907—1908 йй — С.3.) Эронда шоҳ ҳокимияти ҳеч қандай кучга эга эмаслиги, шоҳ ҳатто чет элликларни ҳам ҳимоя қила олмаслиги, бу Эрон фуқаролар уруши ёқасида эканлигини англатиши, Германия Эронда дастлаб сиёсий манфаатлари йўқлиги сабабли, савдо ва маданий йўл билан кириб келишга урингани, инқилобий ҳаракатларда ҳам четдан туриб кузатаётгани ва ўз фуқароларини ҳимоя қилиш билан шуғулланаётгани, Берлиндаги олий доиралар Россияни реакцион гуруҳларни қўллаб—қувватлашда айблаётгани, бу орқали эса Германия Эрондаги савдо айланмасини кун сайин ошириб бораётгани, немис олимлари Эрон маданиятини, ер ости ва ер усти бойликларини ўрганаётгани, аҳвол шу тарзда кетадиган бўлса, Россия ва Англия Эронни вақтинча окупация қилишлари мумкинлиги[7, Б.164-166]”—хусусидаги фикрлар Россия ҳукмрон доираларининг Эрондаги воқеликларни диққат билан кузатиб борганликларидан адлолат беради.

Ҳақиқатдан ҳам Германиянинг Эронда иқтисодиётига кириб келиши кучайиб бориб, 1907-1908 йилларда бир қатор шаҳарларда кичикроқ ва Табриз, Техрон шаҳарларида йирик омборхоналар очгани, бу ерда немис фирмалари ва корхоналари томонидан ишлаб чиқилган нинадан тортиб автомобилгача бўлган буюмларнинг сотила бошланганини ҳам “Туркистон тўплами” материаллари орқали билиб олишимиз мумкин[3, Б.33-34].

Немисларнинг Эронда аҳолининг кенг қатламлари томонидан қўллаб—қувватланиши у қадар мустаҳкам эмасди. Эрон инқилоби даврида Германия инқилобчиларни етарли даражада қўллаб—қувватламаганлиги бунга сабаб деб қараш мумкин. Берлинда чоп этиладиган “Berliner Tageblatt” матбуот органида чоп этилган мақолалар бундай хулосага келишга асос бўлиб хизмат қилади. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики 1907 йил-

нинг 10 июнь куни шоҳ қўшинлари парламент биносини тўпга тутиб, инқилобни куч билан бостиришга уринади. Натижада, Техрондаги қонли тўқнашувларда кўплаб одамлар ҳалок бўлади. Шоҳ реакцияси эса, конституция тарафдорларини таъқиб остига олади. Матбуот органининг ёзишча кўплаб газета ва ахборот агентликлари Эрон элчихонасидан бу воқеликларга аниқлик киритишни сўраб қилган мурожаатларида, улар билмасликларини айтиб ҳақиқий воқеликни яширганлар[4, Б.80-81]. Иккинчи бир томондан эса, матбуот органи Германия ҳукуматини сусткашликда айблайди. Чунки, Германиянинг Техрондаги миссияси шоҳ таъқиб қилган конституция тарафдорларини элчихонага кириб яширишиларига рухсат бермайди. Матбуот органи буни Россия ва Англия олдида таслимчилик деб баҳолайди. Мақола остида имзосини қўйишни истамаган журналист Карбалода эронликларнинг машҳур муштаидларидан бири билан суҳбатлашгани; “Унинг таъкидлашича, Германиянинг “Шарқий банк”и Эронда ўз филиалини очишга уринганлиги, банк директорининг ўғли Гуттманнинг Эронга келиши, сўнг ноъмалум сабабларга кўра банкнинг очилмаганлигига ҳам Россия ва Англия олдида Германиянинг ҳадиксираши сабаб бўлгани, энди эса эронликлар олдида Германия бутунлай ишончни йўқотгани, чунки, оғир дақиқаларда инқилобчиларни ёлғиз қолдирганлиги[6, Б.63-66]” каби фикр-мулоҳазалар Эрон аҳолисининг Германияга нисбатан ҳам етарлича илиқ муносабатда бўлмаганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, инқилоби даврида ҳам Европа давлатларининг Эрон ички ишларига аралашуви, мамлакат тараққиётини ўзлари истаган йўналишга буришга ҳаракат қилганликлари, бунинг учун эса, турли усуллардан фойдаланганликлари, ўзаро зиддиятлар ва манфаатлар тўқнашуви натижасида вужудга келган сиёсий кескинликни баргараф этиш ўрнига четда кузатиб туришлари билан боғлиқ кўпдан—кўп маълумотларни “Туркистон тўплами” даги маълумотлар орқали билиб оламиз. XX аср бошларидаги Эрон тараққиёти эса, Европа давлатлари манфаатлари кесишган нуқталардан бири эдики, уни ўрганиш ва таҳлил *People, culture, country, socio-economic and cultural life, Central Asian Khanate, population. People, culture, country, socio-economic and cultural life, Central Asian Khanate, population.* этиш келажакдаги вазифаларимиздан бири бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Амираджиби. Немцы в Персии// Туркестанский сборник. Том 493. — С. 113 — 114. (Amiradjibi. Nemsii v Persii// Turkestanskiyu sbornik. Tom 493. —P. 113-114)

2. Беседа с Персидским посланником в Берлине. // Туркестанский сборник. Том 491. – С.154 – 155. (Beseda s Persidskim poslannikom v Berline Turkestanskiyu sbornik. Tom 493. –P.154-155)

3. Германия и Персидский рынок. Туркестанский сборник. Том 450. – С. 33 – 34. (Germaniya v Persidskiy rinok Turkestanskiyu sbornik. Tom 450. –P. 33-34)

4. Кровавая события в Персии// Туркестанский сборник. Том 493. – С. 80 – 81(Крoвoвaяa сoбития в Persii Turkestanskiyu sbornik. Tom 493. –S 80-81)

5. Немцы в Персии// Туркестанский сборник. Том 468. – С.69.(Nemsi v Persii Turkestanskiyu sbornik. Tom 468. –P. 69)

6. Отношение держав к Персии//Туркестанский сборник. Том 468. – С. 64 – 66. (Otnosheniye derjav k Persii Turkestanskiyu sbornik. Tom 468. –P. 63-66)

7. Павлов Б. Персидский кризис в освешение Германского дипломата. – Россия и Германия в Пресии. – Беседа с русским высокопоставленным деятелем// Туркестанский сборник. Том 451. – С. 164 – 166. (Pavlov B.Persidskiy krizis v osveshenie Germanskogo diplomata.- Rossiya i Germaniya v Persii.- Beseda s russkim visokopostavlennim deyatelem// Turkestanskiyu sbornik. Tom 451. –P. 164-166)